



ИЖТИМОИЙ-СИЁСІЙ ГАЗЕТА

АДОЛАТ

2007 йил 14 сентябрь, жума № 39 (637)

Ишлаб чиқариш

СИФАТЛИ ВА ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТЛАР

Мамлакатимизда иш-тиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ пахта хомашёсини ўзимизда қайта ишлаб тайёр маҳсулот ҳолида экспорт қилиш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилди. Бу самараси ўлароқ, бугун Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган тамғаси остида бежирим, арзон, сифатли маҳсулотлар тайёрлаётган саноат корхоналарининг сони кун сайин ортиб бораётир. Бу корхоналарга юқори рентабеллик келтириш билан бирга, аҳолини доимий иш билан таъминлашга ҳам қўшилмоқда.



Олтиариқ тумани Полосон қишлоғида фаолият бошлаган "Фромодатекстиль" масъулият чекланган жамиятида ҳам болалар, эркак ва аёллар учун бежирим кийим-кечаклар ишлаб

чиқариш йўлга қўйилди. Айни пайтда бу ерда 30 нафар хотин-қиз меҳнат қилмоқда. Замонавий, юқори сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун хориждан

келтирилган дастгоҳлар ўрнатилди. Натижада бир сменада 800 дона эркаклар фуктболкалари тайёрланапти. Корхона ишлаб чиқарилган тайёр кийим-кечакларни ўзимизнинг бозор-

ларда сотиш билан бирга хориж давлатларига ҳам экспорт қилмоқда.

Б.МУҲАММАДИЕВ,
М.ҚОДИРОВ
(ЎЗА) олган суратлар

Ўзбекистон Республикаси

Президентининг

ҚАРОРИ

Тошкент шаҳрида Ўзбекистон халқ шоираси Зулфиянинг ҳайкалини ўрнатиш тўғрисида

Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия (Зулфия Исроилова)нинг миллий адабиётимиз ва маданиятимиз ривожига қўшган улкан ҳиссасини, унинг бетакор ижодий мероси ва ибратли ижтимоий фаолиятининг ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашдаги катта ўрни ва аҳамиятини инобатга олиб:

1.Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика Маънавият тарғибот марказининг Ватанимиз пойтахти — Тошкент шаҳрида Ўзбекистон халқ

шоираси Зулфия хотирасига ҳайкал ўрнатиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2.Ўзбекистон Бадийи ака-демияси бир ой муддатда тегишли мутасадди ташилотлар билан биргаликда Зулфия ҳайкалини яратиш бўйича ижодий танлов эълон қилсин ва уни белгиланган тартибда ўтказсин.

3.Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳайкални яратиш ва ўрнатиш би-

лан боғлиқ харажатлар, Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан тақдим этиладиган ҳисоб-китобларга мувофиқ, Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси ҳисобидан қопланишини таъминласин.

4.Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2007 йил 13 сентябрь

ФАРОВОНЛИКНИНГ ҚАДРИГА ЕТГАН ҚАДР ТОПАДИ

Нон ва нон маҳсулотларини исроф қилиш гуноҳи азим эканини, уволи тутишини унутмайлик

Халқимиз азалдан нонни эъзозлаб келади, унинг ушогини ҳам қўзига тўтиб айледи. Чунки дастурхонимизнинг кўрки ҳам, кут-баракаси ҳам нондир. Донни ризқ-рўзимиз манбаи, нонни нўматлар султони, деб аташимизнинг сабаби ҳам шунда. Яратганнинг бизга ато этган бу азиз нўматининг аҳамияти турмушимизда, қадрият аъналаримизда, эътиқодимизда яққол ўзифодасини топади.

Дастурхон ёзилган, энг биринчи нон қўйлади. Харбийга ёки узоқ сафарга кетаётганларга нон тишлатилди. Бунинг маъноси шунки, унинг бир тилшам насибаси ўзи билан кетса, ризқи уйда, оиласида қолганлигининг рамзи саналади ва у қайтиб келгунча асраб қўйилади. Турмуш қураётган икки ёшнинг ҳаёти бахтли, фароғатли бўлсин, деган ниятда нон ушатилади.

Ота-боболаримиздан мерос аъналарига биноан, нонни тескари тишламайдилар, унинг устига бошқа нарсаларни қўймайдилар, ноннинг устидан хатлаш ёки уни бошиш гуноҳ ҳисобланади. Ёши улугларимиз, ота-она, устозларимиз ёшларга ҳар доим нонни эъзозлаш кераклигини, исроф қилиш гуноҳи азим эканигини уқтириб келади.

Бунга боғча-ю мактабларда ҳам алоҳида урғу берилди. Ёшларга берилётган дуо-фотиҳаларда ҳам нон тилга олинади. "Ноннинг бутун бўлсин", "Нондек азиз бўлсин", "Нондек эъзоз топинг". Дастурхонга юз хил таом тортилгани билан уларнинг ҳеч бири қадр ва иззат бобида нонга тенглаша олмайди. Ёнг тансиқ таом ҳам меъдага тегиши мумкин, бироқ нон бундан мустасно.

Нўматларининг энг улуги - нонга нисбатан бундай эҳтиром халқимизнинг ўзига хос фазилатларидан. Оллоҳнинг баракаси ёққан юртимизда, шукри, нон ва нон маҳсулотлари сероб. Уларнинг турини санаб адоғига етиш мушкул. Хар бир ҳудуднинг ўзига хос нон тайёрлаш аънавалари мавжуд. Оламга донги кетган Самарқанд нонлари, Қўқону Тошкент патирилари, қозон патири,

оби нон, чавати. Бу рўйхатни яна узоқ давом эттириш мумкин. Биргина, пойтахтимизнинг нон шаҳри дея аталиши, "Тошкентнинг донини еган чумчуқ Маккадан ҳам қайтиб келади" ибораларининг замирида олам-олам маъно мужассам.

Таъкидлаш жоизки, галла мустақиллигига эришганимиз истиқлол йилларидаги энг катта ютуқларимиздан бўлди. Мустақиллигининг дастлабки кунларида мамлакатимизда атиги уч кунга етadиган галла захираси қолгани, аҳолининг асосий озиқ маҳсулоти - нон тақчиллиги ҳавфи юзага келганлигини ёдга олсак, галла мустақиллигининг нечоғли муҳим аҳамият касб этишини ёрқин тасаввур этамиз.

Шўролар ҳукмронлиги даврида мамлакатимиз бўйича 100-120 минг гектар сугориладиган майдонда галла экилар, 750-800 минг гектар лалми ерларда бошоқли дон етиштирилди. Олинган ҳосил ўша пайтлар бор йўғи 940 минг тонна бўлиб, ҳосилдорлик атиги 17 центнерни ташкил қиларди. Аҳоли сони йилдан-йилга ўсиб бораётган мамлакатимиз учун бу жуда кам эди. Шу боис истиқлолимизнинг илк кунларидан қадимий мустақиллигига эришиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди. Ўша пайтлар бунга шубҳа билан қараганлар ҳам, "галладан қўра пахта қимматроқ-ку, пахтани сотиб истоганча галла сотиб олиш мумкин-ку", дегувчилар ҳам бўлди. Бироқ Юртбошимиз сўзида ва амалида собит турди. Нима учун ўзимизда етиштириш имконияти бўла туриб, галлани четдан сотиб олишимиз керак? Кимларнингдир қўш-қовоғига қараш, турли шартларни бажариш учунми? Галла, ун, нондек стратегик аҳамиятга эга маҳсулот таъминотини бировага топшириб қўйиш мустақиллигимизга даҳл қилмайдими? Президентимизнинг бу фикрлари тўғри ва асосли бўлганлигининг мана 16 йилдирки гувоҳи бўлиб келяпмиз.

(Давоми 2-бетда)

КЎРГАЗМАГА ШАЙ

Тошкентда 17-19 сентябрь кунлари III Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси ва IV Халқаро пахта ва тўқимачилик конференцияси бўлиб ўтди. Мазкур нуфузли тадбирда иштирок этиш учун ташриф бу-юрадиган чет эллик меҳмонлар Янгийўл пахта тозалаш корхонасини ҳам бориб кўради.

Истиқлол йиллари қуриб фойдаланишга топширилган мазкур корхона жаҳон бозорига юқори талабга эга пахта толаси ишлаб чиқарадиган замонавий технологик ускуналар билан жиҳозланган. Утган йили бу ерда 23,3 минг тоннадан зиёд пахта қайта ишланди. Маҳсулотларининг юқори сифат кўрсаткичи 95 фоизни ташкил этди. Бундан алоқибда тегишли чора-тадбирлар қўрилмоқда.

Республика пахта тозалаш корхоналари орасида етакчи ўринда турувчи мазкур корхона 35 минг тоннагача пахтани қайта ишлаш қувватига эга. Корхонага ташриф буярадиган хорижий меҳмонлар пахтани қайта ишлаш жараёни ва тола сифатини янада ошириш борасидаги ишлар билан яқиндан танишади.

Пойтахт вилоятида етиштирилган пахта толасининг асосий истеъмолчилари Хитой, Ҳиндистон, Туркия, Жанубий Корея, Россия, Италия, Малайзия, Покистон, Индонезия каби мамлакатлардир. Утган йиллари етиштирилган пахта ҳосилининг салмоқли қисми ана шу давлатларга сотилди.

"Ўзпахтасаноат" уюшмасидан маълум қилишларича, тизимда фаолият юритаётган пахта тозалаш корхоналари ва тайёрлов пунктларининг барчаси жорий йилдаги ҳосилни қабул қилишга шай ҳолатга келтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 3 апрелда қабул қилинган "2007-2011 йилларда пахта тозалаш саноати корхоналарини модернизация ва реконструкция қилиш дастури тўғрисида"ги қарорига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикасининг Ҳўжайли, Навоий вилоятининг Хатирчи, Тошкент вилоятининг Бўқа туманларида жойлашган пахта тозалаш корхоналари реконструкция қилинди.

Бўхоро вилоятининг Пешку, Самарқанд вилоятининг Пахтачи, Сирдарё вилоятининг Сайхунбод, Хоразм вилоятининг Янгийўл туманларидаги пахта тозалаш заводларида олиб борилган модернизациялаш ишлари якунига етди.

(ЎЗА)

БАРҚАРОР ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

Президентимиз Ислам Каримов Ўзбекистон Мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган Республика Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг қўшма мажлисида "Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли" мавзусида қилган маърузаларида халқимиз босиб ўтган шарафли ва шу билан бирга, мураккаб йўлга яна бир бор назар ташлаб, мустақил тараққиёт давомида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишларига ҳолисона баҳо бердилар. Давлатимиз раҳбари мустақил тараққиёт йўли ва олдимизда турган вазифаларнинг моҳияти ва аҳамияти ҳақида сўз юритиб, бу йўлни алоҳида икки даврга ажратган ҳолда ҳар бир даврни баътафсил таҳлил қилдилар.

Юртбошимиз ислохот ва ўзгаришларни ўз ичига олган дастлабки босқич - 1991-2000 йиллар мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида том маънода тарихий давр бўлганлигини, 2001 йилдан 2007 йилгача бўлган муддатни ўз ичига олган иккинчи бо-

сқич - фаол демократик янгилашлар ва мамлакатни модернизация қилиш, иқтисодий ва маданий барқарор ривожлантириш, сиёсий ҳаётимизни, қонунийлик, суд-ҳуқуқ тизими ва ижтимоий-гуманитар соҳаларни изчил ислох қилишни таъминлашда фойдаланган муҳим роль ўйнаган давр бўлганлигини қайд этдилар. Маълумки, Ўзбекистонда мустақиллиқнинг илк кунларидан бошлаб ўз умрини ўтаб бўлган эски мустақил совет тизимидан бутунлай воз кечилиб, ижтимоий йўналиштирилган бозор иқтисодиётига асосланган очик демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш беш мақсад қилиб белгиланди. Чунки, Юртбошимизнинг азму-шижоати ва ташаббуси билан мамлакатимизда судларни жазо-ловчи ва фақат давлат манфаатларини ҳимоя қилувчи органдан қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминловчи органга айлантиришга қаратилган яхлит суд ҳоқи-

мий тизимини шакллантириш вазифаси қўйилди ва бу вазифа босқичма-босқич амалга оширилиб, муваффақиятли ҳал этилди. Тарихан жуда қисқа муддатда Асосий қонунимиз - Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Бу қонуний ҳужжатда давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этишчи ва суд тармоқларига бўлиниши асосий тамойил сифатида белгиланди. Шунингдек, инсон ҳуқуқларининг давлат манфаатларидан, умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларининг эса миллий ҳуқуқий меъёрлардан устуңлиги белгиланган бўлди.

Хусусан, Конституциямизнинг 13-14 моддаларида: "Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга қўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади." (Давоми 2-бетда)

Муносабат

ФАРОМУШЛИКМИ Ё ШОШМА-ШОШАРЛИК?

ёхуд "XXI аср" газетасида шу йил 6 сентябрда чоп этилган "Сиёсий мавсум: масъулият ва манфаатдорлик чегараси" сарлавҳали мақола хусусида

Гап бошиданок айта қолайлик, муаллиф мақола муқаддимасини бироз ҳадиксираб бошлабди: "Балки масаллага бундай ёндашув сиёсий партиялар вакиллари томонидан унчалар тўғри боҳоланмас..."

Асосли гап, асосли эътироз бўлганда-ку, ҳеч бир сиёсий партия наشري "гинг" демаслиги, ақсина, "Тўғри сўзининг тўқмоғи, бу" дея муаллифини кутлаган ҳам бўларди. Йўқ, бундай бўлмади. Кутлов ўрнига йўқлов тарзиде, бошлаб ХДП, кейин "Миллий Тикланиш" ва "Фидокор", бугун эса биз, "Адолат"чилар фикрга қарши

фикр билдираяпмизки, мақола муаллифи мамлакатда фаолият олиб бораётган барча сиёсий партияларга "насиҳат" қилиш "ваколат"ига даъвогарлик қилишга ҳаққи йўқлиги учун...

Ҳозирги кунда фуқаролик жамияти асослари шаклланиётган жараёнларда мамлакатимиз аҳолиси турли қатламларининг манфаатларини ёфода этиши лозим бўлган кенг тармоқли, кўп партияли тизим ҳамда бошқа жамоат ташкилотларининг қарор топиши муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, ривожланган ҳар қандай жамиятини ҳам кўп партиявий жараёнларсиз тасаввур этиш қийин.

Шу нуқтаи назардан давлатимиз раҳбари Ислам Каримов сиёсий партиялар фаолиятига катта эътибор бериб келмоқда. Хусусан, Президент ташаббуси билан қабул қилинган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий Қонун сиёсий партияларнинг мамлакат ҳаётида тутган ўрни янги поҳоналарга кўтарилишига қаратилган бўлди. Сиёсий партиялар фаолият доираси кенгайиб, уларнинг ташаббускорлиги, қарорлар қабул қилиш-

даги роли ва масъулияти ошди. Бироқ, шундай бир кезде "XXI аср" газетасида эълон қилинган мақола "мен не дейман-у қўзимиз не дейди" дегандек, ҳатто блокшод сиёсий партиялар фаолиятига ҳам даъво-дашномларга тўла эътироздек бўлди. Холиси газетхон, холиси ўқувчи бизни тўғри тушуниш, танқидга жиззақилик қилаётганимиз йўқ, бироқ "XXI аср" тўғридан-тўғри инкор усулидан фойдаланган ҳолда эзилган мақолани чуқур таҳлил қилмай кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этганига ҳайрон қоласан, киши.

(Давоми 2-бетда)

"АДОЛАТ" СДП: ТАШАББУС ВА ТАДБИРЛАР

Богот туман партия Кенгаши "Маънавият ва тарғибот" маркази билан ҳамкорликда тумандаги 7-мактабда "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги қонун юзасидан давра суҳбатини ўтказди.

Урганч ва Янгийўл туман Кенгаши ташаббуси билан бир неча умумтаълим мактабларида Президентимизнинг Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон Мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги "Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли" мавзусида сўзлаган нутқи юзасидан давра суҳбатлари уюштирилди.

Янгийўл туман партия Кенгаши навбатдаги тадбирини тумандаги спорт коллежиде ташкил этди. "Гийҳандлик" аср вабоси" деб номланган мазкур йиғинда коллеж талабалари билан бир қаторда ота-оналар ҳам қатнашишди.

Қорақўл туман Кенгаши ташаббуси билан "Жигач" қишлоқ фуқаролар йиғинида "Энг обод маҳалла ва энг обод хонадон" мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

Когон шаҳар партия Кенгаши Темирийўлчилик клубида "Истиқлол ва маҳалла истиқболи" мавзусида танлов ўтказди.

Фориш туман партия Кенгаши, "Қамолот" ЕИХ, "Маҳалла" жамғармаси ҳамкорлигида ўтказилган "Маънавий меърос ўрнининг ютуғи, келажакнинг маънавий озқувчиси" номли давра суҳбатиде маҳалла фаоллари билан бир қаторда ёшлар ҳам иштирок этишди.

Мирзачўл туман партия Кенгаши туман Маданият уйида ногирон болалар махсус мактаб-интернат тарбияланувчиларига моддий-маънавий ёрдам кўрсатиш мақсадида "Мафтунок бўёқлар дунёси" ижодий-бадний танловини ташкил қилиб, танлов қатнашчиларини иштини сотиш бўйича хайрия қўргазмасини ўтказди.

Дўстлик туман партия Кенгаши, "Қамолот" ЕИХ ҳамда туман Маънавият-тарғибот маркази "Наврўз" ҚФДА аҳолининг сиёсий ва ҳуқуқий билиминини ошириш мақсадида мамлакатимизда қабул қилинаётган янги қонунлар моҳиятини ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилишга қаратилган давра суҳбатини уюштирди.

САЛОҲИЯТ ВА МАҲОРАТ КЎРИГИ

Ёш иқтидор эгаларини аниқлаш ва моддий-маънавий қўллаб-қувватлашда, уларнинг ижтимоий-иқтисодий соҳага оид лойиҳалари ҳамда техник ишланмаларини рўёбга чиқаришда "Келажак овози" республика кўрик-танловини муҳим ўрин тутмоқда.

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур танловда бу йил Навоий вилоятидан уч мингга яқин йигит-қиз иштирок этди. Улар тасвирий ва амалий санъат, бадний иход, ижтимоий лойиҳалар ва бизнес режалар, меъморчилик ва дизайн, ахборот ва коммуникация технологиялари, техник лойиҳа ва ишланмалар ҳамда спорт йўналишлари бўйича ўз истеъдод ва маҳоратини синавдан ўтказди.

Навоий шаҳридаги "Фарҳод" маданият саройида танловнинг вилоят босқичида голибликни қўлга киритган 39 йигит-қиз ташкилотчиларининг диплом ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди. Тадбир доирасида ёш эстрада хонандаларининг концерт дастури намойиш этилди.

Бунёдкорлик

ЮРТНИНГ
ОБОД
ЙЎЛЛАРИ

Буюк Ипак йўлида жойлашган Самарқандда халқаро туризмни ривожлантириш мақсадида улкан қурилиш, ободонлаштириш йомушлари амалга оширилмоқда.

Хусусан, икки йил муқаддам Япония гранти асосида қайта таъмирлаш ишлари бошланган «Самарқанд – Қарши» автомагистралда сўнгги асфальт ётқириш ишлари олиб бориляпти. Узунлиги 46 километр бўлган халқаро йўлни Самарқанд туман йўлсозлик идораси бунёдкорлари сифатли таъмирдан чиқаришмоқда.

ЮНЕСКО дастури асосидаги янги – Африка тепаликларини айланиб ўтувчи йўллар ҳам сайёҳлик харажидан аллақачон жой олди. Лойиҳа қиймати салкам 1,5 миллиард сўмлик яна бир шохўча – Ибн Сино ва Рудакий кўчаларини бирлаштирувчи магистрал теъжорлик билан барпо этилмоқда. Шулар билан бир қаторда, шаҳарда умумий узунлиги 420 километрлик 855 та катта-кичик кўчалар қайта таъмирланди.

Т.ЗОҲИРОВ

ЁШ ОИЛАЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

ИСТИҚБОЛ ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ



Банкларни жойларда ёш оилаларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка жалб этиш, уларга имтиёзлик кредитлар ажратиш, энг асосийси, барқарор молиявий манбалари шаклланиб ёш оилаларга уй-жой сотиб олиш ёки қуриш, уй ҳужалигини йўлга қўйиш учун ипотека ва истеъмол кредитлари бериш масаласи бўйича бевоқифа масъул этиб белгиланди.

Жисмоний шахсларга ипотека кредити уй-жой сотиб олиш, яъни тартибдаги уй-жойларни қуриш ва реконструкция қилиш мақсадларида ажратилади, – дейди «Ипотекабанк» акциядорлик тижорат ипотека банкининг ипотека ва истеъмол кредитлари ажратиш бошқармаси бошлиғи Давронбек Абдумомунов, биз билан суҳбатда. – Ушбу кредитларни беришда кредит таъминотидаги сотиб олинган, қурилаётган ёки реконструкция қилинаётган уй-жой ер майдонлари билан бирга гаровга олинади. Бунда ипотека кредити олувчи банкдан олинган қарзни узоқ йиллар давомида қайтариш имкониятига эга бўлади. Аҳамиятли

томони шундаки, аҳолининг йилдан-йилга ўсиши билан бирга, уй-жойга ҳамда уй-жой масаласи ечимини ҳал этувчи ипотека кредитлари ажратиш бошқармаси бошлиғи Давронбек Абдумомунов, биз билан суҳбатда. – Ушбу кредитларни беришда кредит таъминотидаги сотиб олинган, қурилаётган ёки реконструкция қилинаётган уй-жой ер майдонлари билан бирга гаровга олинади. Бунда ипотека кредити олувчи банкдан олинган қарзни узоқ йиллар давомида қайтариш имкониятига эга бўлади. Аҳамиятли

Дарҳақиқат, Президент Фармонига асосан ёш оилаларнинг солиққа тортиладиган иш ҳақи ва бошқа даромадларининг уй-жой сотиб олиш, қуриш ва реконструкция қилиш учун олинган ипотека кредитлари ҳамда улар бўйича ҳисобланган фоизларни қоплаш учун йўналтирилган суммаси солиққа тортилмаслиги сингари бир қанча имтиёзлар жорий қилинган оилалар фаровонлиги, пировардида, юрт келажаги йўлида ташланган муҳим қадам бўлди.

Бахтиёр ТОШНАЗАРОВ, «Адолат» мухбири

Хориж
ХабарлариФУҚАРОЛАР УЧУН
ҚУЛАЙЛИК

Россияда электрон ҳукумат концепцияси қабул қилинди. Мамлакат алоқа ва ахборот вазирлиги Леонид Рейманиннинг маълум қилишича, 2010 йилда Россиядаги барча ҳукумат органлари электрон шаклда бўлади.

Ушбу янгиликнинг аҳамиятли томони шундаки, у кўпгина ҳужжатларни расмийлаштиришда наватда кутиб туришга ҳолат қолдирмай, барча ишларни бир

неча дақиқада интернет орқали ҳал этиш имконини беради. Маълумотларга қўра, бу йилга 10 миллиард рубль иқтисод қилиш имконини беради.

ИНДОНЕЗИЯДА
ЗИЛЗИЛА

Индонезиянинг Суматра оролида уч марта кучли зилзила содир бўлди. Уларнинг кучи Рихтер шкаласи бўйича 8, ва 7,9 балл дея белгиланган.



ИТАР-ТАСС ахборот маҳкамасининг хабар қилишича, ўн киши табиий офат қурбони бўлган. Жароҳатланганлар эса ўнлаб кишиларни ташкил этмоқда.

НЕФТЬ
АРЗОНЛАШАДИМИ?

Нефть маҳсулотлари экспорт қилувчи давлатлар ташкилоти (ОПЕК) тез орада «қора олтин» қизиб чиқаришни кўпайтиради. Ашкрофт, шу йилнинг ноябрь ойидан бошлаб ҳозирдан қунига 500 минг баррел кўп нефть қизиб олина бошлайди.

ОПЕКнинг бундай қарорига келишига мутахассисларнинг нефть маҳсулотлари нархининг кўтарилиб кетиши ҳақинда иқтисодиётга салбий таъсир кўрсатиши мумкинлиги тўғрисидаги тахминлари сабаб бўлди.



МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁ АСОСИДА

Иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, ишлаб чиқаришга янги ва самарали технологияларни тadbик қилиш, маҳаллий хомашё ҳамда ишлаб чиқариш ресурсларидан кенг фойдаланиш бугунги кунда муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Президентимизнинг 2006 йил 22 июндаги «2006-2008 йилларда маҳаллий хомашё негизда тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқариш маҳаллийлаштириш Дастури тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Навоий вилоятида бир қатор ишлар қилинмоқда. Дастурга мувофиқ, ҳозирги кунда вилоятда «Авиценна», «Тизол-Н» каби ишлаб чиқариш ҳамда «Bentonite» қўшма корхоналари тўла қувват билан ишламоқда. Шунингдек, ташкил толанганга 30 йил бўлган «Кизилқуммуент» корхонасида ҳам маҳаллий хомашё асосида маҳсулот ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилаётган.

Инсон ақли заковати, тафаккурини нимага қодир эмас, дейсиз. Одамзот яралибдики, табиат сирларидан воқиф бўлишга интилиди, яратувчанликни ихтиёр этади. Она табиатнинг саховати бағрида эса инсон учун хизмат қиладиган асл дурдоналар, ноёб хазиналар ётибди. Ўз билими, меҳнати ва ақл қучини ишга солган инсон табиатнинг ана шу бебаҳо неъматларидан ажойиб мўъжиза яратиб олади.

«Тизол-Н» хусусий корхонасида қаттиқ тошдан ишлаб чиқарилаётган майин тола маҳсулотларини ҳам ана

шундай мўъжиза, десак муболаға бўлмайди. Мазкур соҳани яхши тушунадиган Ш.Муродов базальт толаси ишлаб чиқариш учун вилоятда зарур хомашё манбаи борлигини яхши англаган ҳолда, мутасадди ташкилотларга хат орқали мурожаат этди. Шундан сўнг геология-қидирув ишлари олиб борилиб, Япониядан зарур технологиялар келтирилди. Эски бино ижарага олинди, ишчи кучи жалб этилди. 1998 йилга қадар қурилиш-таъмирлаш, ишчиларни технологик жараёнга тайёрлаш ишлари давом этди. Шу йилдан бошлаб дастлабки маҳсулот ишлаб чиқарила бошланди.

Ишнинг қўзғини биладиган раҳбарнинг сая-ҳаракатлари зое кетмади. Сифатли маҳсулотга талабдорлар кўпайди. Хусусий корхона йилдан йилга ривожланиш сари юз тутди.

– Сотилаётган маҳсулотдан келадиган соф фойда микдори йил сайин ошиб бораётган, – дейди корхона раҳбари Ш.Муродов. – 2005 йилда 129 миллион 400 минг сўмлик маҳсулот сотиб, 16 миллион 200 минг сўм соф фойда олган бўлсак, 2006 йилда соф фойда икки бараварга ошди. Бу йил янада кўпроқ фойда олиниши кутилмоқда.

Корхонада ишлаб чиқарилаётган экологик тоза маҳсулот – вата иссиқ-

дан, совуқдан сақлаш ҳамда овоз қайтариш мақсадида қўлланади. Жумладан, у қурилиш объектиларига, труба-ларни, музлаткич, совутич, газ ва электр плиталари қисмларини ўраш ва ҳоказо ўринларда ишлатилади. Шунингдек, керамзит ва стекловата ўрнида, ҳатто иссиқхоналарда қўлланганда ҳам самарали натижа бермоқда. Масалан, 4 килограмм стекловата ишлатиш мўлжалланган ўринга 1 килограмм базальт толаси етарлидир.

Дарвоқе, яқин келажакда маҳсулотнинг иккинчи турини ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда. Соч каби майин ва ялтироқ тола яратиш мақсадида Япониянинг «Сумитомо-корпорейшн» компанияси билан ҳамкорликда иш олиб боришмоқда. Ушбу режа амалга ошириш билан иш ўринлари 200 тага етади.

Дарҳақиқат, «Тизол-Н» ХИЧК маҳаллийлаштириш Дастурида кўрсатиб ўтилганидек, айрим солиқ турларидан озод этилган. Жорий йилнинг иккинчи чораги давомида ягона солиқ тўлови бўйича корхона имтиёзлардан тўлиқ фойдаланиб, 12 миллион 899,6 минг сўм маблағни иқтисод қилди.

Хуллас, бугун жамият учун фойдаси тегадиган, яратувчанликка бел боғлаган ишбилармон, тадбиркорнинг ошган олчи. Бунинг учун ҳукуматимиз уларга барча имкониятлар ашигини очиб бераётган. Истиқбол меваси бўлган «Тизол-Н» ҳам ана шундай корхоналардан бири саналади.

Азамат ЗАРИПОВ, журналист

УСТЮРТ КЕНГЛИКЛАРИДА

«Зарубежнефтегаз» акциядорлик жамиятининг «Газпром» шўъба корхонаси босқичма-босқич қидирув ишларини олиб бориш дастурига асосан Устюрт ҳудудига фаолиятини давом эттирмоқда.

Ҳозиргача 3Д деб номланган сейсмик қидирув майдонида 270 квадрат километр, 2Д сейсмик қидирув майдонида 580 погоно километрдан зиёд иш бажарилди. Шунингдек, Тлеуқудук Агеин инвестиция блокада ҳам қудуқларни бургулаш давом этмоқда. Фойдали қазилма қавлаб олинган қудуқларнинг чуқурлиги 2300 метрни ташкил этапти. Бундан ташқари, яна иккита инвестиция блокада бургулаш ускуна-

лари ўрнатилиб, иншоотларда мураккаб йиғиш ишлари амалга ошириляпти. Жисе Агеин блокининг иккита майдонида эса минора қурилиши учун тайёргарлик бошланди.

«Газпром» 2006-2011 йиллар давомида Устюрт ҳудудига қазилма бойликлари қидиришга жами 400 миллион доллар сарфлашни режалаштирган.

Бугунги кунда Устюрт кенгликларига амалга оширилаётган ишларга қараб айтиш мумкинки, ҳудудда ўнга ақин углеводород конлари очилади. Бу эса яқин келажакда республикада газ конденсати ва қазилма захираларининг сезиларли даражада ошишига имкон беради.

«ҒИШТ ЎЗИМИЗДАН ЧИҚАДИ»

Кам рентабелли ҳўжаликлари хусусийлаштирилаётганлиги марҳаматлиқ тадбиркор Комилжон Отахоновга тўхтаб ётган ғишт заводи ни тендер савдосида сотиб олиш ва ишга туширишга имкон берди.

Асака адирларига туташ ерда жойлашган завод учун хомашё мумаммоси йўқ.

«Ривож» хусусий фирмаси раҳбари К. Отахонов хитойлик инвесторлар билан ҳамкорликда қўшма

корхона тузди.

Энг замонавий ускуналар ўрнатилаётган қўшма корхонада бир кеча-кундузда юз минг донагача ғишт ғишт тайёрланади.

– Бундан бундан туманимизга четдан қишган ғишт келтиришга ҳолат қолмайди, – дейди тадбиркор. – Хитойлик ҳамкорлар билан тузган корхонамиз жорий йил ноябрь ойидан бошлаб тўла қувват билан ишлаб бошлайди.

«Туркистон-пресс»



Суратда: Туманнинг Оқёр кишлоғидаги савдо шохбаси таъмирлашдан сўнг ана шундай кўркам кўринишга эга бўлди.

Орамиздаги одамлар

ҲАМОН САҒДА

устозим билан фахрланаман, – дейди Тошкент шаҳар Яксарой туман ДСИ шўъба бошлиғи Шухрат Орипов

Гап Сабоҳат Ирисбоева ҳақида кетаяпти.

– Бу йил Худо хоҳласа, олтимиздан ошаман, деб турган устозимдан бир умр миннатдорман, – сўзига давом этди у. – 1993 йилдан бундан сўнг ўргандим: солиқ ставкалари борми, солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиблари борми, амалдаги қонунчиликнинг янги йўналишларидан тортиб, солиқ ва боғжона кўрсаткичлари борми – ҳаммасининг ҳаётдаги амалиётини Сабоҳат опанинг соҳада орттирган бой тажрибасидан олдим. Иқтисодчиларнинг солиқ ва бож тўловларига оид назариялари ҳамда математик моделларини соҳага қандай қўллаш йўллари устоз қўлида ўзлаштирдим.

– Устозингиз ҳақида жуда меҳр билан гапирдингиз. Назаримда, у киши илгари молия соҳасида ишлаган, шундайми?

– Ҳа, биларкансиз, у киши илгари республикамизнинг бир неча вилоятларида молия, солиқ тизимларида ишлаган. Ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос шарт-шароитларини яхши билади. Шаҳарлик

солиқ тўловчи билан қишлоқдаги солиқ тўловчининг феъл-атворини обдон ўрганган аёл. 1991 йил Яксарой туман ДСИ ташкил топгандан бундан сўнг ўрда ишлайди. Аввалига инспекцияда бухгалтер-иқтисодчи бўлиб иш бошлаб, 1997 йилдан «Ақдиз солиқлари тушушнинг назорат ва таҳлил қилиш» шўъбаси бошлиғи сифатида меҳнат қилиб келмоқда.

– Республикаимиз иқтисодиёти, – дейди Сабоҳат опа, – эркин бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтаётган даврда солиққа тортиш тартиб-қоидалари ҳам барқарорлашган иқтисодий тараққиёт суръатларига муносиб равишда такомиллаштиб бормоқда. Соҳадаги ўзгаришлар, давр талабларида келиб чиққан ҳолда жорий этилаётган имтиёзлар, солиқ қонунчилигининг янги-янги мезъори ҳужжатлари барчаси фуқароларни солиққа тортишда адолат таъминининг устуворлигини таъминлаётган. Биз ДСИ ходимлари уларни ҳаётга изил татбиқ этишда доим ибрат бўлишимиз талаб этилади.

Шаҳзода ИСОҚЖОНОВА

МИЛЛИЙ МАЖЛИС ДЕПУТАТЛАРИ

яширин ва тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан сайланади

Бугунги кунда нафақат Европанинг, балки бутун жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатларидан бири ҳисобланган Францияда 1958 йили рўй берган давлат тузилишидан кейин де Голь бошчилигидаги Бешинчи Республика ташкил топди. Шу йилнинг биринчи июль кунин Миллий Мажлис де Гольга ҳукумат тузиш учун рухсат беради. Шундан сўнг бугунги кунда ҳам амал қилинаётган мамлакат Конституция қабул қилинди.

Францияда амалда бўлган айна пайтдаги қонунчилик йиллар давомида турли хил ўзгаришларга учраган. Масалан, 1958 йили қабул қилинган ҳуқуқий мезъорий ҳужжатлар ижро этувчи ҳокимиятнинг мавқеини анча мустақамлади. Бу, ўз ўрнида, мамлакат парламентининг юридик мақомига ҳам таъсир қилмай қолмади. Айниқса, 1962 йили ўтказилган конституциявий реформа натижасида парламент ваколатлари кескин пасайди. Шундай бўлса-да, Франциянинг айна кундаги тараққиётини парламент фаолиятисиз тасаввур қилиш мумкин.

Ҳозирги вақтда молия, бюджет сингари кенг доирадаги масалаларни парламент қўриб чиқди, ҳукумат фаолиятини назорат қилувчи восталарга эга. Президент тўғридан тўғри овоз бериш йўли билан 5 йил муддатга сайланади. Францияда ҳам сайлов тизими бошқа давлатларники сингари бўлиб, 18 ёшга тўлган фуқароларнинг барчаси сайлаш ҳуқуқига эгадир.

Парламент икки палата – Миллий Мажлис ва Сенатдан иборат. Миллий Мажлис депутатлари 5 йил муддатга яширин ва тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан сайланадилар. Бугунги кунда Миллий Мажлисда 577 нафар депутат мавжуд. Миллий Мажлис депутатлигига ўз номзодини қўйиш учун фуқароларнинг ёши 23 ёшдан юқори бўлиши лозим. Шуниси эътиборлики, сайлов жараёнида депутатлар ўзи билан биргаликда ўринбосарининг ҳам номзодини кўрсатишди. Негаки, мамлакат қонунчилигида кўра, мабодо депутат касал бўлиб қолса ёки вафот этса, унинг вазифасини вақтинча ўринбосари бажариб туради. Номзодлар фақат битта

сайлов округидан сайланишади.

Миллий Мажлиста сайловлар икки босқичда, сийёсий партиялар ўртасидаги ўз номзоди учун бўлган қизгин курашлар остида ўтади. Биринчи босқичда номзодлар 25 фойздан кам бўлмаган овоз тўплаши талаб этилади. Сайловнинг энг муҳим қисми эса иккинчи босқичдан бошланади. Бу босқичда икки нафар номзод депутатлик ўрни учун ўзаро кураш олиб боради.

Мамлакат парламенти Сенати 322 нафар аъзога эга. Сенаторлар Франциянинг миллий ва халқаро соҳалардаги қўнунларини қўриб чиқиш билан шуғулланишади. Одатда, Сенатнинг сайлов тизими Миллий Мажлисдан фарқ қилади. Сенаторлар депутатлардан фарқи ўларок, 9 йил муддатга сайланадилар. Сенатга сайловлар ҳам икки босқичда ўтказилади. Сенатни Президент тарқатиш юриси мумкин, бироқ мамлакатда фавқулодда ҳолат эълон қилинганида ёки маълум бир шахс президент вазифасини вақтинча бажариб турган ҳолатда бунга йўл қўйилмайди.

Ўқтам ХУДОЙҚУЛОВ, «Адолат» мухбири

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Жаҳон парламенти

РАМАЗОН – ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ОЙИ

Хар бир онгли одам ўзини бир умр тарбиялаб боради. Чунки қомиллик йўли туганмасдир. Бунда инсоннинг вақти-вақти билан ўзини тафтиш қилиб, мен ўтган ойлار, кунлар давомида қандай амаллар билан машғул бўдим, қандай хайрли ишлар қилдим, қандай хато-камчиликларга йўл қўйдим, деб ўзига ҳисоб бериши муҳим. Ахир, инсонни унинг ўзидан яхши биладиган бошқа ким бор!

Муқаддас Рамазон – рўза ойи ҳар бир инсофли одамнинг ўз қалбига теран назар ташлашига, ўз феъл-атвори, қилғилиқлари ва ишларига четдан туриб баҳо беришига қулай шароит яратувчи ойдир. Рўзанинг айнан ана шу – тарбиявий жиҳати Пайғамбаримиз ҳадисларида алоҳида ўқитиб ўтилган. "Рўза факат-гина ейиш-ичишдан сакланиш билангина эмас, – дейилади ҳадисда, – балки беҳуда, бе-маъни ва ёмон сўзлардан сакланиш билан ҳамдир. Агар бирор киши сени сўкса, сен унга "Мен рўзадорман", – деб уэр айтгин". Демак, инсоннинг ейиш-ичишдаги нафсини тийиш кифоя эмас. У ёмон амаллардан, одамийликка тўғри келмайдиган бемаза қилиқлардан ҳам ўзини тийи-



ши лозим.

Аслида, нафс тушунчаси кенг қамровли тушунча. Одамни турли бало-қазоларга гирифтор қиладиган ёвуз куч айнан шу нафсдир. Уни

Юсуф Хос Ҳожиб ҳам нафс бандаларининг ҳаққоний таърифини берган: "Сўқ киши тўймагай, шудир ахлоли, Кўзи сўққа етмас дунёнинг моли". Ўз нафсининг қулига айлан-

ган турли тоифаларнинг башарасини бундан ошириб тавсифлаб бўлмас!

Энди инсоннинг ўзлигини англаши борасида фикр юритадиган бўлсак, бир нарсани қатъий айтишимиз керак: нафсини жиловлаб оладиган, нафсини энгишга қодир бўлган одамгина ўзлигини англай олади! Масъулият туйғуси кучли, ўзганинг ҳақидан ҳазар қиладиган, ўзига раво кўрмагани бошқа ҳам раво кўрмайдиган, ўз сўзида собит, сўзи билан иши бир, ҳасад-гүйликдан йироқ, ҳақиқатнинг қулига тик қарайдиган ростгўй, бир сўз билан айтганда, мусулмон одамгина нафсини енга олади, демакки, ўзлигини англайди.

Рамазон ойи – покляниши ойи. Эзгу амаллар ҳар қачонгидан кўпроқ қилинадиган ой. Бу муқаддас кунларда ҳар бири-миз ҳам жисман, ҳам руҳан поклянишимиз даркор. Ана шундагина ҳар биримиз ўз инсоний вазифамизни бажарган бўламиз.

Маҳмуд САБДИЙ



Тарих

ХИВА ХОНЛИГИДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ

Истиқлол шарофати билан ўтмишимизни тадқиқ этиш аждодларимизнинг маданият, таълим-тарбия соҳасидаги бой тарихий тажрибаларини ўрганиб, жамият ҳаётида улардан фойдаланиш имкониятига эга бўлди. Чунончи, XVI асрдан XX аср бошларига қадар Хива хонлигида амалда қўлланган таълим-тарбия усуллари, қиёсий жиҳатдан ўрганилганда уларда ҳозирги кунда қўлланилаётган айрим тажрибаларга мос жиҳатларни, тажрибаларни кузатиш мумкин.

Маълумки, Хива хонлиги XVI аср иккинчи ўн йиллиги бошларидеяк мустақил давлат сифатида ташкил топди. XVIII аср охири, XIX аср ва XX аср бошларида Хоразмда айнан маданият, санъат ва илмнинг турли соҳалари ривожланди. Айни шу даврларда таълим муассасаларининг қурилиши ва фаолият кўрсатишига асосан хон, олий ва марказий бошқарувни амалга оширувчи мансабдор шахслар, шунингдек, зиёлилар ҳомийлик қилишган. Мамлакат умумий ҳудудининг катта қисмини ташкил этувчи вақф ерларидан олинган даромадининг асосий қисми мадрасаларга, уларда фаолият олиб борувчи ходимлар (мутавали, охун (мударрис), имом ва муаззин) ҳамда толибларга тақсимланган. Булардан ташқари, манбаларда келтирилишича, бадавлат фуқаролар, йирик амалдорлар ҳам таълим соҳасига ғамхўрлик кўрсатишган. Ўз маблағлари ҳисобидан ўша давр талабларига мос мадрасалар қурдирганлар, эскиларини таъмирлаганлар.

Таълим даргоҳларида машғулотлар ҳам назарий, ҳам амалий йўналишда олиб берилган. Таълим жараёнининг амалиёт билан боғлиқлигини таъминлаш мақсадида қозилар ҳамда улар устидан марказий бошқарувни амалга оширувчи қозикалон ҳам бўш вақтларда мадрасаларга жалб этилган. Улар ўз билим, тажриба ва кўникмаларини толибларга ўргатиб келганлар.

Вақти-вақти билан талабалар орасида турли хил мусобақалар ўтказилиб, ғолиблар тақдирланиб турилган. Шунингдек, талабалар ҳар бир соҳага оид илм йўналиши бўйича, машғулотлар тугагач, имтиҳон топиришган. Битирувчилар белгиланган синовлардан ўтгандан сўнг муфти, қози, мадраса ўқитувчиси (охун) сингари лавозимларини эгаллаганлар. Давлат хизматига жалб этилаётган би-

тирувчилар эса, ҳатто хон, олий мансабдор шахслар томонидан имтиҳон қилинган.

Хонликда анъанавий мусулмон мактаблари фаолият кўрсатган. Ўз навбатида, улар ҳозирги таълим тизимидаги каби босқичларга ажратилган. Хусусан, узлуксиз таълим жараёни қуйидаги даргоҳларда беш босқичда олиб борилган:

– куйи мактабларга етти ёшдан қабул қилинган; уларда ўқиш муддати тўрт йил бўлиб, ўғил болаларга бирламчи диний таълим берилган, Куръон ва шарият ўргатилган;

– ҳалилхона (далаилхона)ларда намоз, диннинг фалсафий асослари, жўғрофия, математика ва бошқа фанлар ўқитилган;

– қорихона мактабларида Куръон ёд олинган;

– ўрта мадрасаларда ҳам диний, ҳам дунёвий фанлар ўқитилган, уни битирган толибларга "охун" унвони берилган;

– олий мактаблар – тугалланган олий диний ва дунёвий таълим берадиган мадрасалар бўлган.

Тарихий манбаларда қайд этилишича, хонликда таълим масканлари сони ўсиб борган. Хусусан, XIX аср ва XX аср бошларида хонликда 45 минг нафар ўқувчига мўлжалланган 1500 та (бошқа бир манбада 1440 та) куйи мактаб ва 2-2,5 минг нафар толибга мўлжалланган 130 та (иккинчи бир манбада 61 та) мадраса фаолият кўрсатган. XIX аср охири ва XX аср бошларига келиб илгаридан мавжуд бўлган кўп сонли диний ва дунёвий таълим берувчи куйи, ўрта ҳамда олий диний мактаблар билан бир қаторда, таъминоти давлат томонидан амалга оширилган рус ва немис мактаблари ҳам фаолият кўрсата бошлаган.

Бизнингча, Хива хонлигида олиб борилган таълим-тарбия ишларининг айрим жиҳатларидан таълим ислохотлари жараёнида таъриба сифатида фойдаланилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Масалан, умумий таълимнинг бошлангич синфларида араб алифбосига асосланган эски ўзбек ёзуви ўқитилса, келгусида ҳозирга қадар етарли даражада ўрганилмаган тарихий қўлёзма манбаларни илмий ўзлаштириш, маданий-маънавий меросимизни яқиндан ўрганиш имконияти янада кенгайрди.

Х.МАДИРИМОВ,
Республика ИИВ Академияси ходими



Спорт

АЗИЗ – ЭНГ САРА ФУТБОЛЧИЛАР САФИДА

Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳрида жойлашган Осиё футбол конфедерацияси (ОФК) "Осиёнинг энг яхши футболчиси" танловида иштирок этадиган қитъамизнинг энг кучли ўттиз уч нафар футболчиси номини эълон қилди.

Унга кўра, Тошкентнинг "Қурувчи" жамоаси ярим ҳимоячиси ва Ўзбекистон олимпия терма жамоаси сардори Азиз Хайдаров ҳам қитъамизнинг энг яхши футболчиси бўлишга даъвогарлар сафиди.

Бундан ташқари, номзодлар ўртасида Ўзбекистон миллий чемпионатида тўп сураётган яна бир футболчи – "Нефчи" (Фарғона) ва

Тожикистон терма жамоаси ярим ҳимоячиси Акмал Холматов ҳам бор.

Осиё футбол конфедерацияси мутахассислари номзодларни танлашда футболчиларнинг Осиё чемпионати, Осиё чемпионлар лигаси, ОФК Кубоги ва Олимпиада ўйинларининг саралаш учрашувларидаги иштирокини инобатга олган. Қоидага кўра, ОФК ша-

фелигида ўтказилган ҳар бир расмий учрашувда ўз жамоасига энг кўп фойда келтирган футболчи аниқланиб, унга рейтинг очкиси берилади. Эълон қилинган рўйхатга эса қамида қирк очко жамгарган футболчилар киритилган.

Қитъамизнинг ўн етти мамлакатли вакиллари даъвогарлик қилаётган "Осиёнинг энг яхши футболчиси" унвони соҳибхори жорий йилнинг 28 ноябрь куни Австралиянинг Сидней шаҳрида ўтказиладиган тантанали маросимда эълон қилинади.

(ЎЗА)

Тахир хайъати

Дилором ТОШМУХАМЕДОВА,
Иқбол МИРЗО,
Турсунали ҚЎЗИЕВ,
Турғунпўлат ДАМИНОВ,
Равшан ХАЙДАРОВ,
Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ,
Исмоил САИФНАЗАРОВ,
Собир ТУРСУНОВ,

Шермат ШАМСИЕВ,
Светлана ОРТИКОВА,
Мухаррамхон АЗИМОВА,
Жуманиёз АЛИБЕКОВ,
Камол АЛЛАБЕРОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари),
Талъат МУРОДОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган

Телефонлар: қабулхона – 136-53-14; факс – 133-40-86; котибият – 136-55-96; реклама бўлими – 133-41-89

Маълум: 700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланган

• "Адолат"дан кўчириб босиб фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
t – Тижорат мақолалар белгиси.

Нашр индекси – 100

Навбатчи – Б.ТОШНАЗАРОВ
Саҳифаловчи – 3.БАКИРОВ



Ифтихор

КЕЛ, БАҒРИМГА БОСАЙ, ҲОФИЗИМ!

Дунё санъаткорларини ягона саҳнага тўплаган "Шарқ тароналари"нинг умумбашарий кашфиёти хусусида

Асли мусика хайратлар силсиласида пайдо бўладиган ва юракларга етиб бориши учун таржима талаб қилинмайдиган улғу кашфиёт. Яхши куй, оҳанг ҳар гал эзгулик даричаларини очиб тингловчисини ўзига қорлайверади. Шу боис, қўшиқ қуйлаган, қўшиқ тинлаган қалб асло қаримайди, қувват олади. Мағрибу Машриқдан бетақорор саз ва овоз соҳибларини ягона саҳнага тўплаган "Шарқ тароналари" VI халқаро мусика фестивали ниҳоясига етган бўлса-да, ҳали-ҳануз миллионлар юрагидея акс-садо бориб тургани куй-қўшиқнинг айнаи шундай бирлаштирувчи куч-қудрати туйғуландир.

Самарқандда ўтган бу галги фестивал аввалги анжуманларни қўшиқ ҳисоблаганда ҳам кўпроқ иштирокчи ва томошабинларни ўзига жалб эта олди. Европа, Африка ва Осиёдан янги санъаткорларни даврга қорлади. Регистон майдонида анжуманнинг

га муҳрлашга киришилди.

Очигини айтганда, дунёда ҳар йили ўтказиб келинаётган қўшиқ фестиваллари кўп. Европада ҳам, олис Америкада ҳам соврин баҳоси баланд бўлган фестивал ва унинг қатнашчиларини бисёр кўриб, тинглаганмиз. Лекин "Шарқ тароналари" барча фестиваллардан нимаси биландир фарқ қилиб туради. Нимаси биландир юракка яқинроқ, оҳанглири сезимли, сеҳру жозибаси бўлакча. Эҳтимол, бу саҳнада ҳар бир миллат руҳиятини, ўзлигини осонгина илғаб ололганимиз учундир. Эҳтимол, халқнинг донишмандлиги, заковати ва удумларини бор ҳолича намоён эта олгани учундир.

Араб дунёсидея машҳур бастакор, фольклор бўйича таълики мутахассис, Қувайт миллий мусика университети олимидея Абдулло ал-Саломий бу ҳақдаги қалб кечинмаларини шундай баён этади:

– Мен энди ўзбек миллий



театрлаштирилган очилиш маросимидея 51 давлатнинг байроқлари тантана оҳанглирига мос хилларида. Фестивал дунёнинг нуфузли телеканаллари орқали бевосита намоиш этилди. Миллионлаб санъат ихлосмандлари ўзлари учун янги овоз эгаларини кашф этдилар ва уларнинг қўшиқларини олтин дисклар-

мусикасини бир эшитишдаёқ фарқлай оламан. Чунки бу мусика ва қўшиқ юракдан отилиб чиқади.

Фестивал ҳакамлар хайъати раиси, хитойлик Цзин Тилин ҳам шундай эътирофга монанд фикр юритади:

– Қўшиқ усталари турли тилларда қуйлашди. Аммо мусикани, қўшиқни англаш учун



таржимон керак бўлмади. Чунки ҳақиқий санъатнинг қудрати шунчаликки, у ўз ҳолича ҳар қандай миллат вакилининг қалбига кириб бора олади.

Самарқандда Япониядан ташриф буюрган санъаткор Томона Мизаки эса ҳавас ва фахр билан шундай сўзлайди:

– Ростини айтсам, фестивал ҳақида эшитганимда "Шарқ тароналари" нима учун бу юртда бўлиб ўтади, деган савол пайдо бўлган эди. Лекин бугун тарихий обидаларга бой Самарқандда бўлиб, фестивал жараёнида иштирок этиб ҳулоса чиқардимки, бу бутун дунё мусика санъати аҳлининг муносиб форуми экан. Регистон эса шундай анжуманга жуда мос.


Ҳа, фестивалга Япония, Тунис, Миср, Австралия, Италия, Индонезия, Латвия, Греция, Афғонистон, Монғолия, Вьетнам, Малайзия, Россия, Иордания, Германия, Покистон сингари давлатлардан ташриф буюрган хонанда-ю созандалар Регистон саҳнасида ўз санъатларини эркин намоиш эта олдилар. Ва, эътиборлиси, уларнинг аксарияти Самарқанд ҳақида биттадан янги бастанланган куй ҳамда қўшиқ ижро этиб беришди. Ўзбек бастакори Мустафо Бо-

боев фестивалга атаб ёзган "Абадият" композицияси эса шарқу гарб мусикасини уйғунлаштирган улғу кашфиёт бўлди. Чунки унда немис композитори Людвиг Ван Бетховеннинг тўққизинчи симфониясидан олинган "Миллионлар, қўчоқлашинг!" номли парча ва Оғажий газалига Хожидея Абдулазиз Абдурашудов битган миллий қўшиқ шунчалик ҳамоханг бўлдики, саҳна гулдурос қарсақлардан ларзага келди. Дунёда тинчлик, биродарлик, эзгулик ва ҳамкорлик нақадар улғу маъно касб этишига фестивалнинг ҳар бир иштирокчиси дилдан амин бўлди.

"Шарқ тароналари"нинг гран-приси қувватли санъаткорларга, биринчи ўрин учун соврин Жанубий Корея вакиллари, иккинчи, учинчи ўринлар Миср, Италия, Хитой, Малайзия, Кения хонандаларига насиб этган бўлса-да, қўшиқ байрамида мағлублар топилмади. Зотан, дўстлик ва қардошлиқни, инсоний меҳру оқибатни улуғлаган қўшиқнинг парвози ҳаммаша баланд, оҳанглири жарағдор бўлаверди!

Зохир ТўРАҚУЛОВ,
"Адолат" муҳбири

Суратларда: фестивал иштирокчилари.



Табиат синоатлари

САДОКАТ

Отам раҳматли ховлида ит асрашни яхши кўрарди. Сипо кийиниб юрсалар-да, Тўртқўзимизни бўйнидан силаб-эркалаб турганларини кўп кузатганман. Тўртқўзимнинг ҳам болалиқдаги содиқ йўлдошим сифатида эсимда қолган.

Вояга етиб, фарзандлар тўрт томонга тарқалдик. Отам кекса бошлади. Ёш ўтган сайин тез-тез кон босимининг охири туриши у кишини хафақоқ қилиб қўйди. Қўлоғи оғирлашди. Шундай кунларнинг бирида чўпон укам тахминан икки ойлик кучука қўтариб келди. Тўртқўз улғандан кейин ховлимизда ит йўқ эди. Анниқроқ, отам тузукроқ, зоти бўйибосар ит боласини суриштириб юрарди. Укам келтирган кучука отамга маъқул тушди. Чўпон итлари бўйибосар бўлади, дедилар мамнун кайфиятда кучуқанинг бўйинини силаб.

Нафақага чиққани боис, вақти бемалоллигиндан фойдаланиб, кучуқани мейвёрида парварши қила бошладилар. Ёрта-лабки широчидан қолган сугта нон тўғраб кучуқчага берилди. Кечқурунги овқатдан қолгани ҳам унинг олдида қўйилди. Кучуқчага ҳамма меҳрибон. Икки-уч ой ўтар-ўтмас, йўлбарсча дудиллашди, ҳеч қансимизнинг жинимиз қўйиладиган мушук зоти ховлимизга йўламай қўйди. Отам чўпон укам Фарходга қўй боқушга қарашиб юришни ихтиёр этдилар. Чўл ҳавоси тоза, саломатликка фойдаси бор, деган ҳулосага келинди. Йўлбарс тўнлари отамга ҳамроҳлик қиларди. Кейинги 5-10 йил отамнинг умри ана шундай вафодор ит билан сирдош, йўлдош бўлди. Ўзақ даврон этган дард охири отамни енгди. Ётиб қолдилар. Йўлбарсдаги шашт йўқолди. У ҳам "индамас"га айланди. Ховлининг бир бурчагидея ўйга ботган қўйи ётаверди, ётаверди...

Отам бандаликни баҳо келтирган кун тонг саҳарда таомилга кўра овоз чиқариб, таъзиядор бўлганимизни элга билдирмоқчи бўлди. Йўлбарс дарвоза бўсағасига бош қўйиб ётарди. Худди тилиси-забониси видолашаётгандек каттик сўқутда эди.

Отангиз уйнингизда сўнгги кеча меҳмон, гафлатда қолманглар. Мен бошқа тадорикларни кўриб келаман, – дея тоғам ўрнидан кўзгалди.

Соат алдидими ёки кун бўйи изтироб қарчоғидан гафлатда қолдикми, тонгда Йўлбарснинг қўзиб-қўзиб улашидан сергак тортиди. Тайёрлаб қўйилган ҳасаларни олиб, тўрт ака-ука дарвозага йўналдик. Осмон сутдек бўзарди келарди. Биримиз қўйиб-биримиз овоз бердик. Йўлбарс қайтиб уламади. У бизни гафлатдан уйғотди. Хатто марҳумнинг ўғилларидан олдин овоз чиқариб, ховжасига садокатини, вафодорлигини юрак эзиб кўрсатди, назаримда. Мен бун шундай тушундим.

Кейинроқ Йўлбарс ҳам оламдан ўтди. Лекин ўша улаш менга яхшигина сабоқ бўлди. Олди ит сабоғи. Тан оламдан, икром бўлмасдан ўзга илоҳим йўқ меннинг. Ит вафо, деганлари шумикан, дейман ўзимга ўзим.

Дилмурод ЖАББОР

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Сийсий Кенгаши "Адолат" СДП Андижон вилоят Кенгаши-нинг биринчи котиби, Олий Мажлис Сенати аъзоси Мамазоир Хўжамбериёвга қайнотаси, уруш ва меҳнат фахрийси

Абдулҳай МАКСУДОВнинг вафоти муносабати билан қўқур таъзия билдиради.

ADOLAT

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СДП СИЁСИЙ КЕНГАШИ

www.adolat.uz • E-mail: adolat_gazeta@mail.ru